



Lithographic works of Khorezm: composition and fate

Dilafruz ATAMURATOVA¹

Urgench State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2021
Received in revised form
15 September 2021
Accepted 20 October 2021
Available online
15 November 2021

Keywords:

lithography,
literary environment,
Muhammad Rahimkhon II,
devon.

ABSTRACT

The history of book printing in our country began to develop in the 70s of the XIX century. The article shows the activities of lithography that developed during the reign of Muhammad Rahimkhon, the works that published by this lithography, the content of the works. Given that lithography continued its activity until 1910, lithographic works published up to that time were also considered in connection with the literary environment of that period.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp323-327>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Хоразмда тошбосма асарлар: таркиби ва тақдири

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

тошбосма,
адабий муҳит,
Муҳаммад Раҳимхон II,
девон.

Матбаа тарихи юртимизда XIX асрнинг 70-йилларидан ривожлана бошлайди. Мақолада Муҳаммад Раҳимхон даврида ташкил этилган тошбосма фаолияти кўриб чиқилган, яъни ушбу тошбосма томонидан чоп этилган асарлар, асарларнинг таркиби, хусусан, қандай мазмунда эканлиги кўриб чиқилди. Тошбосма фаолиятининг 1910-йилга қадар давом этганини инобатга олган ҳолда, шу давргача тошбосма томонидан чоп этилган асарлар, шу билан бир қаторда, давр адабий муҳити билан боғлиқликда кўриб чиқилган.

¹ Teacher, Urgench State University. Urgench, Uzbekistan. E-mail: a.atamuratovadilafruz@gmail.ru.

Литографические работы в Хорезме: состав и судьба

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

литография,
литературная среда,
Мухаммад Рахимхон II,
деван.

История книгопечатания в нашей стране начала развиваться в 70-х годах XIX века. В статье рассматривается деятельность литографии, сложившаяся в период правления Мухаммада Рахимхана, то есть произведения, опубликованные этой литографией, содержание произведений. Учитывая, что литография продолжала свою деятельность до 1910 года, произведения литографии, опубликованные до того времени, также рассматривались в связи с литературной средой того периода.

КИРИШ

Матбаа иши литографик кўринишда ташкил этилган, яъни ҳарф терилмаган, қоғозга матн олдиндан қўлда ёзилиб, тош қолипга туширилган ҳамда ўша қолипдаги матннинг нусха излари қоғозда акс этган, босманинг бу усули Ватанимизда қўлланилган замонавий ноширлик ишининг дастлабки кўриниши бўлганлиги аниқланган. Марказий Осиёдаги биринчи тошбосма матбааси, яъни литография XIX асрнинг 70-йиллари бошларида Хива хони Сайид Мухаммад Раҳимхон II саройи қошида вужудга келган [1, б. 382]. Босмахонада китоблар, асосан, ўзбек тилида нашр қилинган. Тошбосманинг асосий вазифаси қўлёзма асарларнинг нашрини кўпайтириш билан ойлаб, йиллаб хаттотлар томонидан кўчирилаётган асарларни, таржималарни қисқа вақт ичида нашр қилиб, халқ оmmasига тортиқ қилишдан иборат бўлган. Хива хони Мухаммад Раҳимхон II Феруз мазкур босмахонанинг фаолияти билан мунтазам танишиб туриб, хонлик адабий тарихида муҳим ўрин тутган шоир, тарихнавис, таржимонлардан Мунис, Огаҳий, Табибий, Баёний кабиларнинг асарларини нашр қилиш ишларига ўзи ташаббускор бўлган. Хива тошбосмасининг Ўрта Осиёдаги бошқа тошбосмалардан фарқи шуки, тошбосма Мухаммад Раҳимхон II Феруз саройи қошида очилган бўлиб, у асрлар давомида кўз қорачиғидай асраб келинган халқнинг ноёб маданий мероси бўлган қўлёзма асарларни кўпайтириш билан шуғулланган. Отажон Абдалов, биринчи навбатда, бадий асарларни чоп этади. Жумладан, 1879–1882-йилларда тошбосмада Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Чор девон” асарлари нашр қилинди [3, б. 26].

Тошбосманинг иш фаолияти давомида Мухаммад Раҳимхон II Феруз даврида, яъни 1879-йилдан 1906-йилгача Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Девони Феруз” (1880-йил), Мухаммад Юсуф Маҳдумнинг “Девони Рожий” (1879-йил, баъзи манбаларда 1880-йилда [4, б. 183]), “Девони Холис” (1880 йил), “Чор китоб” (1880-йил), “Чаҳор Девон”, саройда мирзабоши ва девонбеги лавозимида фаолият олиб борган Паҳлавон Ниёз Мухаммад Комил Хоразмийнинг “Девони Комил” Тошкент тошбосмасида ҳам нашр этилади [4, б. 173], Мухаммад Раҳим II Феруз ўз қаламига мансуб “Девон”га, “Бадоеъ л-васат” (1881-йил, 1882-йил), “Ғаройиб ус-сиғар” (1881-йил), “Наводир аш-шабоб” (188-йил), “Девони Фузулий” (1882-йил), “Девони Бедил” (1883-йил, Умар Ҳайём рубоийлари билан), “Фикҳи Кайдоний маъа шарҳуҳ”нинг арабчадан Мухаммадрасул Охунд ва Муфтий ибн Шермуҳаммад томонидан таржима қилинган нусхаси, “Девони Комил” (иккинчи

нашри), “Девони Огаҳий” (1882-йил, 1906-йил), “Девони Баёний”, “Мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий” (30 та шоир кирган) каби асарларга ноширлик қилган [6, б. 42].

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг амакиваччаси Сайид Ғозий Отажон тўра ўғлининг “Девони Ғозий” [4, б. 170] тўплами, “Иноятӣ” таҳаллуси билан ижод қилган Иноятуллоҳ Девоннинг “Девони Иноят” [4, б. 172], Муҳаммадрасул Мирзабошининг “Марғуб ан-нозирин” ёхуд “Девони Мирзо” девони, Фузулийнинг “Соқийномас”си таржимаси илова қилинган ҳолда [4, б. 177] “Девони Мунис” тошбосмада икки марта нашр этилади, девоннинг охирига «Саводи таълим» асари илова қилинган ҳолда Хивалик хаттот Муҳаммадниёз Мулло Бобожон (Отажон) ўғли Суйгуннинг “Девони Музний”и [4, б. 177], Хивалик таниқли хаттот ва созандадан бўлмиш асли келиб чиқиши эронлик қуллар авлодидан Муҳаммад Ҳусайн Девон Ҳожи табиб ўғли Мутриби Хонаихаробнинг «Девони Мутриб»и [4, б. 173] каби тўпламлар хонлик адабий муҳитини бойитди, дейиш мумкин.

Биз бу рўйхатни давом эттириб, XX аср бошларида нашр қилинган матбаа маҳсули сифатида Али Сафийнинг “Рашаҳоту ул-ҳаёт” (1890-йил), Лутфулло Насафийнинг “Шарҳ ва таржимаи фикҳи Кайдоний мусамми ба тарғир ул мусаммин” (1890-йил) “Девони Султоний” (1906-йил, 1907-йил, 1908-йиллар), “Девони Санойи” (1909-йил), “Девони Содик” (1906-йил, 1918-йилларда), “Девони Табибий” (1909-йил, 1910-йилларда), “Ҳайрат ул-ошиқин” (1910-йил), “Девони Оқил” (1906-йил), “Девони Ғужжий” (1907-йил, 1908-йил, 1909-йилларда), “Девони Фаррух” (1906-йил), “Девони Нозир” (1907-йил, 1909-йиллар), “Зайн ал-араб” (1911-йил), “Мазҳар ал-иштиёқ” (1909-йил) асарлари [1, б. 387]ни айтишимиз мумкин.

“Девони Нозир”нинг муаллифи Муҳаммад Ҳусайн Девонбеги ўғли Нозирий бўлиб, саройда девонбеги мансабида ишлаган [4, б. 180], асли урганчлик Хива мадрасаларида мударрис, муфтий, кейинчалик қозикалон лавозимларида ишлаган Худойберган охунд муфтий Низомиддин хатиб ўғли Ожизийнинг “Девони Ожизий” тўплами ҳам тошбосмада нашр этилган [4, б. 181].

Тошбосма иши ривожда, нодир, бебаҳо китоблар, таржималар, баёз ва девонларнинг нашрдан чиқарилишида Муҳаммадрасул Мирзонинг ўрни алоҳида эканини таъкидлаш жоиздир. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ниҳоятда нодир ва йирик асарларни нашрга тайёрлаш ва чоп этишни фақат Муҳаммадрасул Мирзогагина ишониб топширган. Шунингдек, хон саройи қошидаги литографиянинг иш жараёни, нашриёт ишлари, назорати ҳам унинг зиммасига юклатилган. Мирзо нашрга топширилган қўлёзмаларни синчиклаб текшириб, ўзи саралаб, кўриқдан ўтказган, айрим асарларни қайта кўчирган. Шу боис кўпгина тошбосма асарларда Муҳаммад Расул Мирзонинг сўзбошисини учратиш мумкин. “Марғуб ан-нозирин” деб аталган девони Хива тошбосмасида нашр этилган. Девонига Фузулий (1498-1556)нинг “Соқийнома”си таржимаси ҳам илова қилинган [4, б. 177].

Жумладан, 1880-йили Комил Хоразмийнинг уч саҳифалик сўзбошиси билан Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжа Холиснинг “Девони Холис” тўплами нашр этилди [1, б. 385]. Замондошлари Мирзо ҳақида шундай ёзадилар: “Муҳаммадрасул Мирзо машҳур мусиқачи бўлиш билан бирга мусиқий асарлар бастакори ҳам эди. Айни вақтда тенги йўқ хаттот ҳам бўлиб, насх ва таълиқ усулларида ниҳоятда чиройли ёзган. 400 дан ортиқ одамни хаттотлик санъатига ўргатган. Муҳаммад Раҳимхон ва

Асфандиёрхон топшириғи билан Мирзо бир неча ўнлаб китобларни кўчирган” [5, б. 42]. Муҳаммадрасул Мирзонинг укаси Пуркомил Гурлан тумани ҳокими, бир оз муддат Марказий ижройи қўмита хазиначиси лавозимларида ишлаб, бўш вақтларида қалам тебратиб, девон тузишга муваффақ бўлади, бу девон “Девони Пур Комил” деб номланиб, Хива тошбосмасида нашр этилган [4, б. 183].

1906-йилнинг феврал-март ойларида Хива сарой литографиясида Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг шеърлар тўплами жамланади. Бу тўплам 1908-йили қўлёзма ҳолига келтирилади. “Девони мажмуат уш-шуаро” тўплами Аҳмад Табибий томонидан жамланган. Тўпламда 30 дан ортиқ сарой шоирлари ҳақида маълумот келтирилган. Унда Ферузнинг 101 та ғазалига Хива саройи шоирларидан 32 нафари пайрав-назира ғазал айтишади, буларнинг барчасини Табибий тўплаб девон ҳолига келтиради, асарнинг яна бир номи “Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшоҳий” деб ҳам аталади [4, б. 175]. Асарнинг ёзилиш услуби Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” анъанасини давом эттиради [7, б. 103]. Тўпламда Феруз, Баёний, Мирзо, Аваз, Роғиб, Девоний, Чокар каби шоирлар ижоди ёритиб ўтилади. Бу асарни бебаҳо асарлар қаторига киритиш мумкин, асосий сабаб XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий ҳаёт намоёндаларини бир жойга тўплаган тазкира ҳисобланади. Асар тўлиқ 1909-йили ёзиб тугалланган. Аҳмаджон Табибий ўзининг ижод намуналарини 5 та девонга жамлаган. Улардан биринчисини хонга ҳадя қилиш мақсадида тузади, бу девон “Тухфат ус -султон” дея номланади, иккинчиси “Мунис ул-ушшоқ”, учинчи девони “Миръот ул-ишқ”, тўртинчиси “Ҳайрат ул-ошиқин”, сўнггиси “Мазҳар ул-иштиёқ” кабилардир. Шулардан Бобожон Тарроҳ Азизов Аҳмаджон Табибийнинг 1909-йили “Мунис ул-ушшоқ” номли девонини настаълиқ хатида кўчирган бўлиб, бу девон 1910-йили Хива тошбосмасида чоп этилади [2, б. 192]. Қолаверса, Муҳаммад Баҳодирхон II нинг Феруз тахаллуси билан битилган “Девони Феруз” девони ҳам 1880-йилда Хива тошбосмасида нашр этилган [4, б. 188].

Хива сарой кутубхонасида учта шоирнинг “Девони Хаёлий” номи билан асари сақланган. Муҳаммад Назар Маҳдум Хаёлий қаламига мансуб бўлиб, Хива саройида девонлик вазифасида ишлаган, кейин Исфандиёрхон (1910–1918) унинг Хивадаги уйини мусодара қилади. Умрининг охирини Ҳазораспда ўтказади. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган [4, б. 189].

Фузулий “Девон”и ва “Лайли ва Мажнун” достони 1917-йилга қадар 87 марта нашр этилган бўлиб, шунинг 56 наشري Тошкентда, 1 та наشري Хива тошбосмасида чоп этилади, қолган 31 та наشري қўшни давлатлар литографияларида нашрга чиқарилади [8, б. 41]. Фузулийнинг “Ҳафт жом” асари 300 байтли соқийнома жанридаги созлар мунозарасидир. Уни Аҳмаджон Табибий ўзбек тилига назм билан таржима қилган. Бу асарни Табибийдан аввалроқ Муҳаммадрасул Мирзо ҳам таржима қилган. Икковларининг ҳам таржималари ўзларининг девонларига киритилиб, Хива тошбосмасида нашр этилган [4, б. 194].

ХУЛОСА

Хива шаҳрида тошбосманинг ишга туширилиши билан китобларни чоп қилиш ишлари жонланиб кетган, мумтоз адабиёт, тарихнинг ўлмас намуналарини кўп нусхада чоп этиш имконияти туғилган. А.А. Семёнов Хива литографияси чоп этган китобларнинг ўта “нодирлиги”га ишора қилади, бу ҳақда Е.К. Бетгер ҳам тадқиқотларида нашр этилган асарларни “қимматбаҳо марварид”га қиёслайди. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди, албатта, хон сарой матбааси мутлақо иқтисодий

мақсадларда фаолият юритмаган, яъни чоп этилган китоблар сотилмаган. Хон китобларни мулозимларига ёки яқин инсонларига ҳада тариқасида инъом этгани сабаб нашрдан чиққан китоблар шу ондаёқ нодир асарларга айланиб қолган. Хива тошбосмаси 1910-йилга қадар фаолият олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Axunjanov E. Kutubxonashunoslik, arxivshunoslik, kitobshunoslik: nazariyasi va tarixi. T., Tafakkur – Bo'stoni. 2011.
2. Бобожон Тарроҳ Азизов (Ходим). Хоразм навозандалари. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.
3. Бобохонов А., Ҳасанов С. Отажон матбаачи. Гулистон. № 10.
4. Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммал Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фехристи. Т., Янги аср авлоди. 2010.
5. Мулла Бекжон Рахмон ўғли., Муҳаммад Юсуф Баёний. Хоразм муסיқий тарихчаси. – Хива, 1925.
6. Мирзарахимов А. Хоразмда илк нашрлар // Мозийдан садо, 2007. – №1.
7. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992.
8. Язбердиев А. Книжное дело в Средней Азии и Туркменистана (с V в до н.э. по 1917 год). Дисс. на соискание ученой степени доктора исторических наук в форме научного доклада. Ашгабад, 1993.